O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
21 SENTABR
SHANBA
№ 119 (26,978)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Тошкент трактор заводининг олтмиш йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзининг бой тарихи ва меҳнат анъаналари, юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан мамлакатимиз машинасозлигида етакчи ўрин тутадиган сизларнинг корхонангиз нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам яхши маълум.

Айниқса, мустақиллик йилларида чет эллик шериклар билан ўрнатилган ҳамкорлик, янги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва илғор технологияларни дадил жорий этиш натижасида корхона цехларида самарадорлиги юқори, замонавий тракторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани диққатга сазовордир.

Заводда деҳқон ва фермерлар учун кичик тракторлар ва бошқа техника воситалари ишлаб чиқарилаётгани уларнинг меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштиради, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда «Тошкент трактор заводи» тамғаси билан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўзига муносиб ўрин эгаллаётгани, шубҳасиз, корхона қаршисида янги истиқбол уфқларини очади.

Сизлар қўлга киритаётган юксак марралар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қандай самаралар бераётганининг яна бир намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар давомида моҳир ишчи ва етук мутахассисларнинг бутун бир авлодини вояга етказган сизларнинг кўп миллатли жамоангиз ўз тақдирини шу даргоҳ билан боғлаган кўплаб ёшларимиз учун бугунги кунда ҳам ҳаёт мактаби бўлиб келаётганидан ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ишончим комилки, сизларнинг ғайрат-шижоатингиз, малака ва маҳоратингиз туфайли Тошкент трактор заводи Ватанимиз равнақи ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам муносиб хизмат қилади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо омон бўлинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФОТОРЕПОРТАЖ

«КОБУЛ-ФАРҒОНА-КОМПАНИ» — УЧ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ РАМЗИ

— Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликдаги «Кобул — Фарғона — компани» қўшма корхонамиз иш бошлаганига бир йил бўлди, — деб ҳикоя қилади корхона пилталаш цехининг илғор ишчиси Муножотхон Деҳқонова. — Шу қисқа фурсатда у фарғоналикларнинг чинакам фахру ғурурига айланди. Негаки, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз эндиликда хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда...

Корхонанинг оддий бир ишчиси шунчалик фахрланиб гапирмоқдаки, демак бу ерда мақтовга арзигулик ишлар бор, албатта. Дарвоқе, илгари қарийб ярим аср мобайнида фақат маҳаллий тизимдаги турдош корхоналар учунгина маҳсулот ишлаб чиқарган корхона эндиликда ҳамкорликдаги қўшма корхона сифатида дадил рақобат йўлига кирди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида бу ерда 13100,0 минг АҚШ долларига тенг миқдорда жаҳон андозаларидан ҳеч ҳам қолишмайдиган маҳсулот турлари хорижга экспорт қилинди. Бошқача айтганда, корхонада ишлаб чиқариш режаси 112 фоизга уддаланди.

Таъбир жоиз бўлса, уч мамлакат ҳамкорлигининг рамзи бўлган бу улкан мажмуанинг ишга туширилиши — Фарғона шаҳри ва атроф туманларда ишсизлик борасидаги муаммоларга бирмунча барҳам берди. Айни дамда бу ерда 2300 нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқдалар. Улар йилига 25 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 21 минг 600 тонна калава, 12,3 миллион погонометр бўз (хом сурп) ишлаб чиқариш масъулиятини ўз зиммаларига олганлар. Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил корхонада 18000 тонна пахта толаси қайта ишланади. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 50-55 тоннага қадар маҳсулот қайта ишланмоқда.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ**

✧✧✧

Суратларда: корхона пилталаш цехининг илғор ишчиси (бизнинг суҳбатдош) Муножотхон Деҳқонова; йигирув цехида иш қизғин; экспортга жўнатилаётган маҳсулотлар.



■ Ш. Олимов (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛИТВАГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус таклифига биноан шу йил 23-25 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Литвада меҳмон бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон — Литва муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама этиш ҳамда қатор муҳим икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

«ИБН СИНО ХАЛҚАРО ЎҚИШЛАРИ»

Бухорода анъанавий «III Ибн Сино халқаро ўқишлари» анжумани бўлиб ўтди. Икки кун давом этган тадбир доирасидан жой олган дастур асосида меҳмонлар аллома туғилган қишлоқ — Афшона ва унинг тарихи ҳақида сўзловчи музей, қадим шаҳарнинг умрбоқий обидаларини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўтказилган илмий-амалий анжуманда хориждан келган олимлар Ибн Сино мероси ҳақида маърузалар қилдилар.

Шуниси қувончлики, бухороликлар 2005 йилда улуғ алломанинг 1025 йиллик таваллудини нишонлаш борасидаги тайёргарликни ҳозирдан бошлаб юбордилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЯНА БИРИНЧИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳоннинг турли мамлакатларига парвозлардан ташқари замонавий ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш бўйича ҳам ишларни бажараётир. Бу борада 1997 йилда ташкил этилган Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш марказининг иши таҳсинга сазовор. Миллий авиакомпаниянинг Авиация-техника мажмуи ва 243-авиатаъмирлаш заводи негизида яратилган ушбу марказ бугунги кунда Марказий Осиёдаги хорижий авиаишлаб чиқарувчилар ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича йирик ва ягона корхонадир. Корхона қўлга киритган «JAR-145» Европа сертификати техник хизмат кўрсатиш бўйича халқаро бозорга чиқишга имкон берди. 2002 йилда «Uzbekistan Airways Technics» (243-заводнинг ҳозирги номи) корхонаси техник хизмат кўрсатиш — C4-Check бўйича мураккаб ишларни бажариш ҳуқуқини берувчи яна бир сертификатга сазовор бўлди.

Шу кунларда ўзбек мутахассислари илк бор хорижий буюртмачи — «Туркмен хова йўллари» авиакомпаниясининг «Боинг-757» ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажаришди. 10 кун давомида аниқланган носозликлар бартараф этилди, самолётнинг ички кўриниши таъмирланди. Шунингдек, ҳамкорлар — «Люфтганза техник» фирмаси вакиллари билан «Пратт энд Уитни» двигателлари бўйича регламент ишлари ўтказилди.

Шундай қилиб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МДҲ авиакомпаниялари ўртасида яна биринчиликни қўлга киритди. Зеро, ҳозирга қадар МДҲдаги бирон-бир таъмирлаш корхонаси хорижлик буюртмачи учун Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизматни кўрсатолмаган. Ўзбек мутахассисларининг ишидан буюртмачининг вакили, техник эксперт Эдуард Жабаров ҳам мамнун. Зеро, ҳозиргача улар бундай хизматлар учун Ғарб фирмаларига мурожаат қилиб келишар ва катта пул тўлашар экан. Бажарилган иш эса уларникидан асло қолишмайди, деб таъкидлади у.

Демак, хорижий авиатехникага техник хизмат кўрсатиш бўйича халқаро бозорга дастлабки қадам қўйилди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

✧✧✧

Суратда: самолётга техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилаётган пайт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент трактор заводи ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Республикамиз қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, фан-техника ютуқлари ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Очилов Турсунпулот — металл буюмлар ишлаб чиқариш корхонасининг созловчиси

Сиренко Юрий Николаевич — ишлаб чиқариш бўйича директор

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, саноат соҳасида ислоҳотларни амалга оширишдаги эришган ютуқлари ва кўп йиллик, фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Гулямназарова Клара Акрамовна — тиркама ишлаб чиқариш корхонасининг термисти

Самаевский Геннадий Викторович — трансмиссия ишлаб чиқариш корхонасининг созловчиси

Шаймарданов Исмагил Исхакович — металл буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Инагамов Тахир Абдусаматович — 31-механика-йиғув корхонасининг чилангар-йиғувчиси

Лукина Нина Васильевна — 14-цехнинг етакчи муҳандиси

Суриков Сергей Анатольевич — тахтакачлаш-пайвандлаш корхонасининг созловчиси

Харах Петр Львович — техника масалалари бўйича директор

«Шуҳрат» медали билан

Акрамбаева Рахима — тахтакачлаш-пайвандлаш корхонасининг металл кесувчиси

Мальков Вячеслав Парфирьевич — асбобсозлик корхонасининг токар-чарчловчиси

Тараскин Андрей Емельянович — кабина ишлаб чиқариш корхонасининг токари

Умаркулов Хушмурат — йиғув корхонасининг чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 19 сентябрь

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

САДОҚАТ СИНОВИ

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ДУНЁГА КЕЛГАН БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА ВА УНИНГ ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИ РОППА-РОСА ЎН ЁШГА ТЎЛДИ. ЧЕКСИЗ ТАРИХ УЧУН, ЮГУРИК ҲАЁТ УЧУН ЖУДА ҚИСҚА БУ ДАВРДА НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ, ЖАМҒАРМА ЯНА ҚАНДАЙ ЭЗГУ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРГАН?

Мустақиллик деган бебаҳо неъматни мен шунинг учун ҳам юксак даражада қадрлайманки, у ботқоқ ичида қолган гавҳарлар — миллий қадриятларимиз, маънавий бойликларимизни топди, ўзимизга қайтарди, ғуруримизни, тилимизни, динимизни, имон-эътиқодимизни тиклади. Шулар қаторида Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек улуғ аждодларимиз меросини ҳар томонлама ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш ва фахрланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Бобур Мирзонинг мураккаб қисмати, кенг қамровли, илмий-бадиий фаолиятини батафсил тадқиқ қилиш ва халқимизга етказишдек хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш мақсадида 1992 йил бошида Андижон шаҳрида Бобур номидаги Халқаро жамғармани туздик. Ўтган йиллар катта изланиш ва синовлар билан ўтди. Жамғарма ўз фаолиятини муҳтарам Президентимиз имзо чеккан ҳукумат қарорига асосан Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёргарлик тадбирларида фаол иштирок этишдан бошлади. Дастлабки ишимиз шўро даврида Москва яқинидаги Митиши шаҳрида қўйдириб келинган ва мустабид тузум раҳнамолари тақиқлагани учун чекка бир бинода ётган шоир ҳайкалини Бобур арки, яъни унинг уй-музейи ҳовлисига ўрнатишдан иборат бўлди. Энг улуғ орзу ва армонларимдан бири ушалган ўша кунги ҳаяжонли дақиқаларни умримнинг сўнггигача ҳам унутмасам керак. Шу тариқа Бобур Мирзонинг ўлмас номи ва қадри йўлига қўйилган ғовлар олиб ташланди, буюк бобокалонимизнинг боши узра соя солган қора булутлар тарқаб, унинг манглайига офтоб — истиқлол офтоби тегди. Андижон вилоят ҳокимлиги Бобур номидаги миллий истироҳат боғи барпо этиш учун 300 гектардан ортиқ ер ажратди. Бу ер кейинги йилларда Боғишамол деб юритиладиган, Бобур Мирзо жонажон юртидан чиқиб кетаётганда сўнгги излари қолган Андижон адирларида жойлашган.

Экспедициямизнинг 1992 йилги май-июль ойларида бўлиб ўтган дастлабки сафари чоғида ён-атрофда ўқлар учиб турган хатарли бир вазиятда Бобур Мирзонинг Кобулдаги қабридан олиниб, юртимизга эзозлаб келтирилган бир ҳовуч табаррук тупроқ ана шу адир-боғ тўрига Андижон вилоят ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари, жамоатчилик, зиёлилар иштирокида рамзий қабрга қўйилди. Сўнгра кейинги сафарлар давомида Агра шаҳридаги Бобур Мирзо жасади мувақкат сақланган Оромбоғдан ҳамда шоир дастлаб дафн этилган Чобуржидаги қабридан ҳам тупроқ олиб келинди ва ана шу рамзий қабр тепасида Бобур Мирзонинг Кобулдаги сағанаси шакли ва ҳажмида мақбара бунёд этилди. Бугунги кунда ушбу мақбара билан уйғунликда қад кўтарган Арк дарвозаси, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, Бобур Мирзонинг муаззам ҳайкали, миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида қурилган қатор иншоотлар боғ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 4 октябрда бу даргоҳни зиёрат қилиб, Бобур ва унинг авлодлари ҳақида билдирган фикрлари, бобурийлар меросини эзозлаш борасидаги хайрли ишлар хусусида мозийгоҳнинг хотира китобига битган дастхати айни вақтда Жамғармамиз фаолиятига ҳам берилган юксак баҳодир.

Бугунги кунда улуғ ватандошимизнинг салобатли отлиқ сиймоси Андижон шаҳрининг бош майдонида халқимизга ғурур ва ифтихор бағишлаб турибди. Шунингдек, жамғарманинг Андижондаги қароргоҳи биноси пештоқига ўрнатилган, «Бобур соати» деб аталадиган маҳобатли курант ҳам шоир хотирасини ёдга солиб туради.

Жамғарманинг саъй-ҳаракатлари билан хориждаги дўстларимиз, Бобур ихлосмандлари иштирокида чет эллардан темурийлар-бобурийлар даврига хос бўлган кўплаб ноёб экспонатлар топилди ва Ўзбекистонга келтирилди. Жумладан, германиялик доктор Ян Хонзель ва Юрген Андреас Эрнест Султон Ҳусайн Бойқаронинг фарзанди Шоҳ Ғариб Мирзо ва Бобур Мирзонинг ўғли Комрон Мирзонинг Ҳамбургда сақланаётган девонларининг ноёб қўлёзма нусхаларини, Бобур ва бобурийларга оид 141 минг манба китоб кўринишида жамланган маълумотномани, олмоншунос Хуррам Раҳимов Арнольд Хоттенгернинг «Буюк Акбар» асарини, ҳиндистонлик олим, маданиятимизнинг катта дўсти Қамар Раис Бобурнинг 1902 йили Калькуттада чоп этилган девони нусхасини музейимизга лутфан тақдим этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жамғарманинг фаолият қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Лоҳур (Покистон), Деҳли (Ҳиндистон), Мозори Шариф (Афғонистон), Билефельд (Германия), Киото (Япония), Москва (Россия), Манчестер (Буюк Британия), Ўш (Қирғизистон), Тошкент ва Наманган шаҳарларида Жамғарма бўлимлари ташкил этилди.

Илмий-бадиий адабиётлар айирбошлаш, биргаликда тадбирлар ўтказиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

ТЎЙ ТАРАДДУДИ

ШАҲРИСАБЗНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ

Инсоният ҳаётида йўлларнинг аҳамияти беқиёс. Шу туфайли, муайян бир нарсага нисбат бермоқчи бўлсак, албатта, йўл сўзини ишлатамиз. Дейлик, ҳаёт йўли, ижод йўли, кўнгилга олиб борадиган йўл, тараққиёт йўли ва ҳоказо. Бундай иборалар сал мавхумдай туюлса-да, ўзига хос моҳиятга эга.

Биз сўз очмоқчи бўлган мавзу — манзилга элтадиган, мавжуд, моддий йўллар хусусида. Эшитганим бор, қай бир мамлакатда йўллар муқаддас саналаркан. Нима учун? Йўлларнинг беқиёслиги англанган аснода бу саволнинг ўзи ортиқча.

Айниқса, Шаҳрисабзда бўлганимизда, юқорида келтирилган фикрнинг нечоғлиқ тўғри эканлигига ишондик. Ҳозир бу ерда туманнинг 2700 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кетяпти. Бунда қурувчи ва меъморлар сингари йўлсозларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Шаҳрисабзлик йўлсозлар қарамоғида 214 километр йўл бор. Шунинг 30 километрга яқини юбилей муносабати билан таъмирланиб, қайта қурилиши керак.

— Шаҳрисабзда янги йўллар пайдо бўлди, айниқса 8 километрлик айланма йўл шаҳримиз учун катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман, — дейди туман автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Аҳадилло Остонов. — Тумандаги тарихий обидаларни асрашга ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Кўпгина эски йўллар тарихий обидалар ёнидан ўтган эди. Транспорт қатнови бебаҳо обидаларга зиён етказаётганди...



Дарҳақиқат, тумандаги Файзулла Хўжаев кўчасидан ўтган асосий йўл кенгайтирилиб, бошқа ички кўчалар орқали йўл ўтказилиб, бир томонлама ҳаракат жорий этилади. Шу тариқа, асосий йўл — марказий ички йўл — «Ипак йўли» кўчасига туташади. (Бу биринчи халқа). Бунда шаҳардаги серқатновликни камайтириш сабабли ҳаракат тўғри тақсимланади. Зеро, машҳур обидалар бўлмиш Дорус-саодат, Дорил-тиловат ҳамда Чорсу комплекси ўша — асосий кўчада жойлашган. Бу кўчалардаги транспорт ҳаракати обидаларга зарар етказишидан аҳоли ташвишланиб келарди. Энди иккинчи халқа хусусида: бу халқа Нукус, Шерозий, Тарағай Баҳодир, Саъдий кўчалари орқали ўтган ҳамда шаҳар ташқарисидаги айланма йўлга боғланаяпти. Бу йўлларни асфальтлаш ишлари Германия технологияси ёрдамида амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга асосланиб ҳисоб-китоб қилдик. Демак, юбилей объектларини тугатиш учун 60000 тонна асфальт ишлаб чиқариш лозим экан. Бунинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун бир кунда 1,5 минг тонна шағални қайта ишлаш керак.

Энди буёғини эшитинг. Юбилей муносабати билан таъмирталаб ва қурилиш (йўл) объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун бир кеча-кундузда 800 тонна асфальт ишлаб чиқарилиши шарт. Бунинг учун ҳар куни 15 та автосомасвалга 2 тонна, асфалт заводига 2 тонна, асфальт ётқизадиган машиналарга эса 3 тонна дизель ёнилғиси кетади. Бунинг ҳаммаси харажат билан боғлиқ масала...

Аслида, бу тариқа таққослаш ва ҳисоб-китоб қилиш ниятим йўқ эди. Шунинг учун булар хусусида кўпроқ тўхталишни лозим топмадим.

— Қилган ишларимизни ўз кўзингиз билан кўрасизми? — дея хаёлимни бўлди Аҳадилло ака. — Ҳам ишчиларга «Ҳорманглар!», деб кетсак, кўнгли кўтарилади.

— Жуда яхши бўларди-да...

...Хуллас, Шаҳрисабз ва Китоб туманларини боғлайдиган, айни вақтда қизғин иш кетаётган катта йўлга етиб келдик.

— Э-е, устозимиз келибдилар, — деди Аҳадилло ака дўппили кишига ишора қилиб.

Бу киши Қашқадарё вилоят автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Қурбон Панжиев эди. Қўлига ёғоч асфальт ётқизгич тутиб асфальтни йўлнинг четига сурганича уқтираяпти:

— Йўл четини нисбатан қалин асфальтлашга ҳаракат қилинг, бўлмаса ҳеч қанча вақт ўтмай синади, бузилади.

— Юбилей муносабати билан бу ерда катта ишлар амалга оширилаётган экан. Бу борада қийинчиликлар ҳам бўлса керак.

— Бор, лекин имконият топаяпмиз. Кейин Соҳибқирон бобомизнинг руҳлари ҳам мадад бўлаётган бўлса, ажаб эмас. Бу ишларни юбилейдан кейин ҳам давом эттирамиз. Қани, энди янаям катта имкониятларга эга бўлсакда, вилоятимизнинг ҳар бир жойида шу тариқа ишларни бажарсак. Ахир йўллар биз-нинг юзимиз, маданиятимиз, фахримиз-ку!..

Йўлсозлар оқсоқоли тўғри айтди. Йўл — маданият, маърифат ва маънавият демакдир. Эртага келажак авлод юртимиз йўллари билан ҳам ифтихор туйишлари шубҳасиз. Хорижлик дўстларимиз йўлларимизни кўриб ҳам кучкудратимизни англагусидир.

■ Илҳом КАРОМОВ

ПЕШТАХТАДА ФАҚАТ ЎЗИМИЗНИНГ МАҲСУЛОТЛАР

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Пойтахтимизда очилган доимий кўргазма-ярмарка шаҳарликларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида ташкил этилган бу кўргазма савдода ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо уюштириш мумкин. Пештахталарда эса мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган сифатли истеъмол моллари намойиш этилмоқда, харидорларга эса қулай шароитлар яратилган. Маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришда ўрта ва кичик тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Боиси, бу соҳани ривожлантириш билан ички бозорларни товарлар билан бойитилади, маданий хизмат кўрсатишга кенг имкониятлар яратилади. Кўргазма ярмаркада турли компаниялар, уюшмалар ва фирмаларнинг маҳсулотларига кенг ўрин берилган. Хусусан, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компаниясининг қўшма корхоналари ва фирмаларида тайёрланган маҳсулотларига кўзга кўринарли жойлардан ўрин берилган. Шунингдек, бу ерда тўқимачилик, уй-рўзғор, кийим-кечак, чарм-пойабзал буюмлари, мебель, озиқ-овқат турли консерва ва ичимликларни харид қилиш мумкин. Муҳими кўргазма ярмаркада харидорлар талаб-таклифлари ўрганилади.

✧✧✧

Суратларда: кўргазма-савдо пештахталарига қўйилган маҳсулотлардан лавҳалар.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

САДОҚАТ СИНОВИ

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ДУНЁГА КЕЛГАН БОБУР НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА ВА УНИНГ ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИ РОППА-РОСА ЎН ЁШГА ТЎЛДИ. ЧЕКСИЗ ТАРИХ УЧУН, ЮГУРИК ҲАЁТ УЧУН ЖУДА ҚИСҚА БУ ДАВРДА НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ, ЖАМҒАРМА ЯНА ҚАНДАЙ ЭЗГУ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРГАН?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуман олганда, Жамғарманинг бутун фаолияти давлат арбоби, шоир, тарихчи, табиатшунос Бобур номини абадийлаштириш ва у қолдирган бой меросни ўрганиб, оммалаштиришга йўналтирилган. Бу борада айниқса Жамғарама қошидаги халқаро илмий экспедиция фаолиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Экспедиция шу пайтгача Африка қитъасидан Ҳинд уммонигача тўққиз бора илмий сафар уюштириб, 200 минг километрдан кўпроқ масофани автомобилда босиб ўтди. Ўнлаб хорижий мамлакатларда, жумладан, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Иордания, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Миср, Хитой ва бошқа юртларда бўлиб, темурийлар-бобурийлар тарихига оид, Ўзбекистон ўтмиши билан боғлиқ илмий-тарихий маълумотлар, қўлёзмаларнинг нусхаларини, 400 дан ортиқ нодир китобларни тўплади ва Ватанимизга олиб келди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Бобур бобомиз билан бир қаторда жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ва бошқа буюк аждодларимизнинг ҳам қабр-мақбаралари зиёрат қилинди, уларнинг шу кундаги ҳолати ўрганилиб, видео-фото тасвирга туширилиб, жамоатчилик эътиборига етказилди, таклиф-тавсиялар тайёрланди.

Мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ислом Каримовнинг топшириғига биноан, миллатимиз фахри-ифтихори бўлмиш Алишер Навоий, тарихимизнинг йирик сиймолари Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзоднинг кўҳна Ҳирот шаҳрининг Мусалло майдонидаги, Абу Райҳон Берунийнинг Ғазна шаҳридаги уруш туфайли ачинарли, каровсиз ҳолатга тушиб қолган қабр-мақбараларини тиклаш, таъмирлаш борасида Жамғарама ва унинг тасарруфидаги «Мадор» инженерлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари уч маротаба сафар уюштириб, инженерлик-геосейсмологик қидирув ишларини бажариб келишди.

Илмий изланишлар натижасида буюк олим ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг жасади Қоҳира (қадимги Фустот) шаҳридаги қабристонга қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Маълумки, экспедициянинг Ҳиндистонга қилган биринчи сафари чоғида бобурийлар авлоди, ҳайдарободлик Тусийларнинг топилиши бобуршуносликда янги воқеа бўлган ва бу воқеа давлат аҳамияти даражасига кўтарилган эди. Кейинги сафарлар давомида яна бир бобурий авлод – Дехлида яшаётган Покиза Султон Бегим кашф этилди. Унинг хонадонига ташрифимиз, жўшкин ва қизиқарли суҳбат-мулоқотимиз саккизинчи сафаримизнинг сермазмун бобларидан бири бўлди, десак янглишмаймиз. Унинг Лондонда истиқомат қилаётган синглиси, шоира Тоҳира Султон Бегим билан учрашувимиз чоғида уларнинг бобурийларга чиндан-да яқин авлод эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Дарҳақиқат, экспедициямизнинг мазкур сафари кўп жиҳатдан самарали ва баракали бўлди. Олис Бангладешнинг пойтахти Дакка шаҳри чеккасидаги Аврангзеб фармони билан барпо этилган Лаъл боғ қалъа мажмуи ҳовлисидаги бобурий ҳукмдорлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус тарих музейи экспонатларининг бой ва ранг-баранглиги билан, бобурий боболаримиздан ёдгор осори-атиқалар кўз қорачиғидек авайлаб сақланиши билан бизда ёрқин таассурот қолдирди.

Ҳиндистоннинг Патна шаҳридаги машҳур «Худобахш» кутубхонасида қўлга киритилган ноёб қўлёзма асарлар, миниатюра суратлар, Эрондаги Машҳад шаҳрининг Имом Ризо ёдгорлик мажмуидаги Қуръон музейидан топганимиз — Бобур Мирзонинг ўзи ихтиро қилган ёзув – «хатти бобурий»да кўчирган муқаддас Қуръон китобидан нусхалар бугунги кунда «Бобур ва жаҳон маданияти» мозийгоҳини безаб турибди. Бу ноёб топилмалар бобуршуносликдаги янги тадқиқотлар, илмий ва бадиий асарларга мавзу бўлса ажаб эмас.

Халқаро илмий ва маданий алоқаларимизни янада ривожлантириш, бобурийларнинг сўнгги авлоди Баҳодиршоҳ-Зафарнинг қабрини зиёрат қилиш, янги илмий-тарихий маълумотлар, ноёб китобларни Ўзбекистонга олиб келиш мақсадида Жамғарма раёсати аъзоларининг Бирма давлатининг Рангун, Буюк Британиянинг Лондон ва Манчестер шаҳарларига хизмат сафарлари уюштирилди. Ушбу сафарлар чоғида қўлга киритилган нодир китоблар, қўлёзма асарлар ҳам «Бобур ва жаҳон маданияти» музейидан жой олди.

Илмий экспедициямизнинг чет элларга қилган сафарларининг маҳсули сифатида 20 дан ортиқ ҳужжатли видео ва кинофильмлар яратилиб, республика телевидениеси орқали намойиш қилинди ва қилинмоқда.

Сафарларимиз натижаси ўлароқ, экспедиция аъзолари томонидан бир қанча илмий тадқиқотлар яратилди, бадиий, оммабоп китоблар ёзилди ва Жамғарма ҳомийлигида нашр эилди. Булар қаторига З.Машрабов ва С.Шокаримовларнинг «Асрларни бўйлаган Бобур» , Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезар», Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома», Қ.Кенжанинг «Ҳинд сориға» ва «Бобурийлардан бири» асарларини, Пиримқул Қодировнинг «Мардлик», Р.Воҳидовнинг «Биз билган ва билмаган Бобур», А.Иброҳимовнинг «Бобурнома — буюк асар», О.Тожибоеванинг «Бобур армони» китобларини киритиш мумкин. Комрон Мирзо ва Шоҳ Ғариб Мирзоларнинг Жамғармамиз Германия бўлими раҳбари, доктор Ян Хонзель томонидан Ҳамбургдан келтирилган ва Афғонистон бўлими раҳбари, бобуршунос Шафиқа хоним Ёрқин нашрга тайёрлаган девонлари ҳам «Шарқ» нашриёт-матбаа компаниясида Жамғарма ҳомийлигида чоп этилди.

Бизнинг энг катта орзу ва режаларимиздан бири – буюк қомусий асар «Бобурнома»нинг тўлдирилган, матбаа сифатига кўра жаҳон андозаси ва талабларига жавоб берадиган замонавий даражада нашр этишдан иборат эди. Тангрига беадад шукурлар бўлсинким, бу ниятимизга ҳам етдик – мана шундай гўзал китоб бугун столимиз устида турибди.

Ҳозирги кунда экспедиция аъзоси Қамчибек Кенжанинг «Андижондан Бангладешгача» номли иккинчи сафарнома китобини ҳам нашр қилиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, жамғарма ташкилотчилиги ва ҳомийлигида Анна Флора Стилнинг Бобур ва бобурийлар сулоласи тарихига оид «Тож кийган дарвеш», Рашбург Уильямснинг «Ўн олтинчи аср бунёдкори», Харольд Лэмбнинг «Бобур-йўлбарс», Румме Годеннинг «Гулбадан» каби ноёб асарлари республикамизнинг таниқли олимлари ва ёзувчилари томонидан таржима қилиниб, чоп этилиши режалаштирилган.

Хорижлик бобуршуносларнинг мана шундай асарларида Бобурнинг дунё маданиятида эгаллаган нуфузи, олижаноб инсоний фазилатлари ҳақида холис ва ҳаққоний баҳолар берилгани айниқса эътиборли. Чиндан ҳам, ғарблик олимлардан бирининг гўзал таъбири билан айтганда, «Бобурнинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги ҳукмдорлар, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасида энг юксак тахсинга сазовордир».

Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида бизнинг кунларимизда ҳам чет элларда янги-янги асарлар нашр этилмоқда. Куни кеча биз машҳур япон олими Эйже Манонинг Киотода япон ва инглиз тилларида босилган «Бобур ва унинг даври» номли йирик тадқиқотини ҳамда Дехлида профессор Қамар Раис томонидан урду тилида нашр этилган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур: шахс, шахсият ва шоир» номли китобларни олиб, беҳад мамнун бўлдик.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар тўғрисида яратилган энг яхши бадиий, илмий ва санъат асарлари учун Жамғармамиз томонидан халқаро Бобур мукофоти таъсис этилган. Бу юксак мукофотга биринчи бўлиб мамлакатимизда ва чет элларда фаолият кўрсатаётган таниқли олим ва адиблар, санъаткор ва меъморлар Пиримқул Қодиров, Сабоҳат Азимжонова, Ғайбуллоҳ ас-Салом, Эйже Мано (Япония), Шафиқа хоним Ёрқин (Афғонистон), Хайриддин Султон, Неъматуллоҳ Отажонов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Мақсуд Юнусов, Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиев, Рахмонжон Азимов, Муҳаммаджон Мирзаевлар сазовор бўлдилар.

Табиийки, Бобурнинг киндик қони тўкилган, уни вояга етказган Андижон шаҳрининг қадимий тарихи ҳам Жамғарма тадқиқотларининг марказида туради. Андижон, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Марв, Ўш, Ўзган каби Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Кўҳна ва навқирон, бой тарихга эга бўлган шаҳримизнинг ёшини аниқлаш ва унинг тарихини чуқурроқ ўрганиш мақсадида, Андижон вилоят ҳокимининг қарори асосида тўрт йиллик дастур тузилиб, 2000 йилнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти ва Жамғарма тасарруфидаги «Мадор» инженерлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда археологик қидирув ишларига Жамғармамиз ҳомийлигида киришилди. Дастлабки қувончли натижалар Бобур Мирзо таваллудининг 519 йиллиги муносабати билан Андижонда ўтказилган катта илмий анжуманда эълон қилинди ва бу борадаги изланишлар давом этмоқда.

Бобур номидаги Халқаро жамғарма ва унинг экспедицияси томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳукуматимиз, жамоатчилигимиз доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Экспедиция аъзоларидан Сайфиддин Жалилов, Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Фаррух Расулов ва камина ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланиши ана шу эътибор ва эътироф тасдиғидир. Биз камтарона хизматларимизни юксак баҳолаган Президентимизга ўзимизнинг самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Албатта, жамғарма ва экспедиция амалга оширган ишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин, менинг назаримда, биз кўпроқ олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида ўйлашимиз лозим. Режаларимиз катта, ниятларимиз кўп. Шу кунга қадар илмий экспедиция ўз нигоҳини кўпроқ Шарқ мамлакатларига қаратди. Темурийлар ва бобурийларга оид нодир манбаларнинг кўп қисми эса Европа мамлакатлари музей ва кутубхоналарида сақланмоқда. Умуман, юртимиздан турли йўллар билан хорижга олиб чиқиб кетилган ноёб китоблар, қўлёзмалар, илмий ва санъат асарларининг лоақал нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш, Бобур ва унинг авлодларининг ҳали маълум бўлмаган меросини топиш, ўрганиш, зарур бўлган тақдирда уларни ўзбек тилида чоп этиб, жамоатчиликка таништириш, Беруний, Форобий, Навоий сингари улуғ боболаримизнинг қабр-мақбараларини тиклаб-таъмирлаб, уларни зиёратгоҳларга айлантириш, олим ва ёзувчиларимизни Бобур ва бобурийлар ҳақида янги илмий-бадиий китоблар ёзишга рағбатлантириш, ёзилган асарларни Жамғарма ҳомийлигида чоп этиб, кенг ўқувчилар оммасига етказиш, буюк Бобур ҳақида чет эллик киноижодкорлар билан ҳамкорликда тўлақонли бадиий фильм яратиш, Осиё, Европа, Америка қитъалари бўйлаб халқаро илмий экспедициямиз йўналишини давом эттириш, Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш каби вазифалар бизнинг доимий диққат марказимизда бўлиши даркор.

Жамғарма дастуридаги ана шу эзгу ишларни амалга оширишни биз халқимиз, миллатимиз довруғини дунёга таратган улуғ аллома боболаримиз руҳи олдидаги инсоний бурчимиз деб биламиз. Муҳтарам Юртбошимиз айтганидек, «Ўтмиши йўқ халқнинг келажаги йўқ». Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шу ғурур, ана шу туйғунинг жуда асосли ва ниҳоятда муқаддаслигини Бобур ва бобурийлар мероси мисолида тасдиқлашга хизмат қилишдан иборатдир.

■ Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур номидаги Халқаро жамғарма раиси

БОЛАЛАР ИЖОДИ

Камолиддин Беҳзод номли I-Тошкент халқаро болалар расмлари кўрик-танловларини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Дастлабки танлов «Мен ва менинг онам» мавзуига бағишланиб, унда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар қатнашади. Ўзбекистон Бадиий академиясида ушбу тадбирга бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

— Дунё болаларининг бу кўргазмага бўлган қизиқиши катта бўлмоқда, — деди халқаро кўрик-танлов директори Элмар

«МЕН ВА МЕНИНГ ОНАМ»

Сарко. — АҚШ, Япония, Россия, Индонезия, Германия, Чехия, Словакия, Ҳиндистон, Покистон, Миср Араб Республикаси, Бангладеш, Эрон, Жанубий Корея ва МДҲ давлатлари каби 26 мамлакатнинг 2817 нафар болалари 3 мингга яқин ранг-баранг санъат асарларини чизиб юборганлиги қувонарли, албатта.

Ушбу кўргазмани ўтказишдан мақсад иқтидорли, ёш мўйқалам усталарини излаш, бадиий ижодиётини ривожлантириш, болаларимизни турли мамлакатлардаги тенгдошлари билан ижодий алоқа ўрнатишига имкон яратишдир.

27 сентябрдан 2 октябргача ўтказиладиган бу танловнинг энг юқори мукофоти Гран-при бўлиб, махсус диплом ҳам тақдим этилади. «Мавзуни энг яхши ёритганлиги учун», «Техник жиҳатдан оригиналлиги учун» ва «Ижодий фантазияси учун» номзодликлари бўйича 1,2,3-ўринга сазовор бўлганлар эса медаль, махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

■ Умида МАНСУРОВА

ИСРОФ

«ТЎКИЛГАНДАН ТОМЧИЛАГАН ЁМОН...»

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу пурҳикмат гапида маъно кўп. Бу ҳар томчиси зар ҳисобланган сувга менгзаганда айниқса, яққол сезилади. Зеро, уйимиздаги кранлардан оқиб ётган ичимлик сувини қанча машаққат ва маблағ эвазига хонадонимизга етиб келиб, рўзғоримизга ишлаётганидан кўпчилик бехабар. Очиқ қолган жумраклар, носоз кранлардан томчилаб оқиб ётган сув даъфатан арзимаган туюлса-да, аслида катта исрофгарчилик, қолаверса, ноинсофликнинг белгисидир. Фарғона вилоятидаги уйларда ҳар бир жон бошига йилига 8,2 кубометр сув сарфи белгиланган. Лекин минг афсуски, бу меъёрга кўпчилик риоя қилмайди. Масалан, Қиргули туманидаги 120-уйда сув сарфи текшириб кўрилганда, бу ердаги 60 та хонадоннинг ҳар биридаги одам бошига 15-16 кубометр сув ишлатилганлиги аён бўлди. Соддароқ қилиб айтсак, ҳар бир киши бошига 15-16 тоннадан сув сарфланган. Хўш, нега бундай бўляпти? Сабаби оддий. Сув жуда арзон. Масалан, минг литр сув ишлатган хонадон ойига 20 сўм тўлайди, холос. Шуни энди оддийгина кўчада сотилаётган газ сув нархи билан таққослаб кўринг-а. Минг литирингиз қанча пул бўлади! Лекин одамлар ана шу оддий ҳақиқатни англаб, ичимлик сувини иложи борича тежаб-тергаб ишлатишга астойдил киришавермайдилар. Бу бор гап.

— Бу аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўли хонадонларга сув ўлчагич асбоблари ўрнатишдир, — дейди вилоят «Сувоқова» бошқармаси назорат ўлчов асбоблари ва автоматика муҳандиси Ҳабибулла Тиллабоев. — Бироқ минг афсуски, бу борада белгиланган натижаларни бажариш имкони бўлмаяпти. Масалан, бу йил вилоят бўйича марказлаштирилган ҳолда сув билан таъминланадиган хонадонларга 30 минг 310 дона сув ўлчагич асбоблари ўрнатилиши керак эди. Шу кунгача эса 1367 та ўрнатилди холос. Бу йиллик режанинг 4,5 фоизини ташкил этади.

— Сув ўлчагич асбоблари етишмайдими?

— Йўқ. Ҳозирда республикамиздаги 8 та қўшма корхоналарда шундай асбоблар ишлаб чиқариляпти. Эҳтиёжни қондиради.

Хўш, у ҳолда мана шундай фойдали, айни пайтда савобли иш нега пайсалга солинади? Ҳолбуки, сув ўлчагич асбоблар ўрнатилган хонадонлар бундан ютишяпти-ку. Юқорида айтилган Қиргули туманидаги Тинчлик кўчасида сув ўлчагич асбоблар ўрнатилган хонадонларда киши бошига белгиланган меъёрдагидан ҳам 50 фоиз сув кам ишлатилганлиги аниқланди. Демак, тўланадиган ҳақ ҳам шунга яраша бўлади. Бунинг устига тежаб қолинган сув қанча-қанча кишиларга хизмат қилишини ҳам ҳисобга олайлик. Сув ўлчагич асбоб ўрнатилган хонадонлар эгалари ўз ўзидан жумракларини вақтида беркитиш, кран ишдан чиқса, зудлик билан тузатиш чораларини кўрадиган бўлиб қолади. Демак, сув ўлчагич асбоблар ўрнатилишини ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Лекин, сув ўлчагич асбоблар нархи йилдан йилга ошиб бораяпти. Ҳозирда битта сув ўлчагич асбобининг нархи 18,5 мингдан 25 минг сўмгача. Албатта, бундай шароитда ҳамма ҳам хонадонига сув ўлчагич асбоб ўрнатишга шошавермайди.

— Идорамиз, — дейди Ҳ. Тиллабоев, — фуқароларга узоқ муддатли кредит ҳисобига сув ўлчагич асбоблар ўрнатишни йўлга қўйган эди. Ҳозиргача сув ўлчагич асбоблар ўрнатган хонадонларнинг 70 фоизи мана шу имтиёздан фойдаланган. Афсуски, кейинги пайтларда шу йўналиш бўйича идорамизга кредит ажратиш қийинлашиб қолди...

...Демак бу муаммони ҳал қилиш йўлларини излаш даркор. Балким сув етказиб бериш нархларини қайта кўриб чиқиш керакдир. Ҳар ҳолда ичимлик сувини тежаш чораларини кўплашиб ҳал этиш лозим.

■ Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овзи» мухбири

СПОРТ

«ЎЗБЕКИСТОН-1994» — «ПАХТАКОР» — 5:5

ТАНИҚЛИ ФУТБОЛЧИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ АЗАМАТ АБДУРАИМОВ КАТТА ФУТБОЛ БИЛАН ХАЙРЛАШДИ

Азамат АБДУРАИМОВ 1966 йил 26 апрелда таваллуд топган. Тошкент давлат университети(ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи. 1994 йил Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинлари ғолиби. Турли йилларда «Пахтакор»(Тошкент), «Спартак»(Москва), «Помир»-(Душанбе), «Навбаҳор»(Наманган), «Паханг» (Малайзия), «Ал-Вахда»(Саудия Арабистони), «Дўстлик»(Тошкент вилояти) ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари шарафини ҳимоя қилган. Ўзбек футболи тарихида расмий учрашувларда 217 та тўп киритиб, ўзига хос рекорд қўйган. Шунингдек, Ўзбекистон футбол федерациясининг «XX асрда киритилган энг чиройли гол муаллифи» номинацияси бўйича ўтказилган танлови ғолиби. Ҳозирда биринчи лиганинг «NBU-Осиё» жамоасида ўйновчи-мураббий сифатида фаолият юритмоқда.

Дунёга машҳур футболчиларнинг катта спорт билан хайрлашув маросимларини кўп маротаба эшитганмиз, гувоҳи бўлганмиз. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам бу анъана одат тусига киряпти. Бундан икки йил муқаддам илк бор Фарғонада «Пахтакор», «Нефтчи» ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоалари собиқ ҳужумчиси, XII Осиё ўйинлари ғолиби Шухрат Мақсудовнинг катта футбол билан расман хайрлашув тадбири ўтказилган эди. 18 сентябрда пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» ўйингоҳида Азамат Абдураимовнинг катта футбол билан хайрлашув оқшоми ташкиллаштирилди.

Тантана «Саҳар», «Аъло», «Аббос» сингари эстрада гуруҳлари ва хушовоз хонанда Шахзоданинг куй-қўшиқлари билан бошланди. Сўнгра, машҳур футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев, таниқли футболчи Муҳсин Муҳаммадиев, ОФКнинг техник директори Рустам Акрамов, ишқибозлар номидан Саъдулла Аҳмедовлар Азамат Абдураимовга ўзбек футболи ривожига қўшган ҳиссаси учун миннатдорчилик билдиришди. Шунингдек, мураббийлик фаолиятига омад тилашди.

Шундан сўнг, яшил майдонга асосан 1994 йилда Осиё ўйинлари чемпиони бўлган футболчилардан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоаси ва бу йилги мавсум пешқадами пахтакорчилар чиқишди. Мухлислар ёдига бундан саккиз йил олдинги зафарли онларни эслатувчи таркибдан эса йигирма икки футболчи жой олганди: Бердақ Оллониёзов, Геннадий Денисов, Фарҳод Магометов, Абдусамад Дўрмонов, Улуғбек Рўзимов, Миржалол Қосимов, Мурод Алиев, Илҳом Шарипов, Сергей Лебедев, Андрей Микляев, Рустам Дўрмонов, Шухрат Мақсудов, Игор Шквирин, Азамат Абдураимов... Уларнинг номи эълон қилинганида ўйингоҳ олқишларга тўлиб кетди. Мазкур ўйин тўпини Азаматнинг отаси Биродар Абдураимов ва қизи Олияхонлар тепиб, бошлаб беришди. Дўстона ва кўтаринки руҳда ўтган учрашувда дуранг натижа қайд этилди — 5:5. Тадбир охирида Азамат Абдураимов мухлисларга 20 та, «Пахтакор» футбол мактабига 50 та тўп совға қилди.

Таассуротларга бой, қизиқарли ўтган футбол-шоу сўнггида тантана иштирокчиларини сухбатга тортдик.

Раъно АБДУРАИМОВА, Азаматнинг онаси, журналист:

— Болалигида ўғлимнинг журналист бўлишини кўпроқ истардим. Чунки унинг ижодга ҳам яхшигина уқуви бор эди. Азамат ҳам футбол тўғарагига, ҳам ёш ижодкорлар марказига қатнашдан эринмасди. Москвада яшаган пайтларида уни турли бадиий кечалар, анжуманларга олиб борардим. Кейин мактабни битиргач, Азамат Москва давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. Гарчи, у матбуот соҳасида мунтазам ишламаган бўлса-да, спорт оламида ўз ўрнини топганлигидан фахрланаман.

Азамат АБДУРАИМОВ:

— Ҳаётда кўп нарса вақтнинг ҳукмига бўйсунади. Футбол билан ўтган йили хайрлашишим ҳам мумкин эди. Аммо, ўйнагим келди, яна майдонга қайтдим. Бироқ, барибир қачондир футболни тарк этишим керак эди. Энди мураббийлик соҳасида ўз омадимни синаб кўраман. Футболчи бўлганимдан фахрланаман. Озми-кўп орзуларим рўёбга чиқди. «Ўғлим, футбол ўйнасанг зўр ўйна, агар бунинг уддасидан чиқишга кўзинг етмаса ўйнамай кўя қол». Дадамнинг бу талабига озгина бўлса-да жавоб бера олганимдан бугун хурсандман...

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратда: Азамат Абдураимов.

Тоҳир НИГМАТУЛЛИН олган сурат

САМАРҚАНД ТЕННИСЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Шу йилнинг 21-28 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Челленжер» халқаро теннис мусобақалари бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда жаҳоннинг кўплаб таниқли теннис юлдузлари иштирок этиши кутиляпти.

Айни пайтда шаҳарда катта спорт байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш бўйича қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

■ **Шухрат ҚАРШИЕВ**

«АБДУЛЛАЕВНИ ЎРГАНИШ» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университетида Ўзбекистонда геология фанининг юксалиши ва унинг обрў-эътиборини жаҳон миқёсида кенг ёйилишига салмоқли ҳисса қўшган академик Ҳабиб Абдуллаевнинг 90 йиллигига бағишланиб, «Абдуллаевни ўрганиш» илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар академикнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда геология соҳаси ривожидаги ғояларининг амалий рўёби ҳақида гапирдилар.

— Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий ғояларини ҳаётга кенгроқ ва чуқурроқ татбиқ этмоқ лозим, — деди профессор И.Мирҳўжаев. — Атоқли академик геологиядан ташқари бошқа соҳалар ривожига ҳам катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш борасида кўрсатган хизматлари ҳам эътиборга сазовор. Масалан, «Ўрта Осиё металлогени ҳақида очерк», «Рудаларнинг интрузиялари билан генетик алоқалар» сингари монографиялари айниқса, диққатга сазовор. Булар ўз вақтида Москва, Санкт-Петербург, Киев, Боку, Свердловск шаҳарларидаги илмий жамоатчиликнинг катта қизиқишига сабаб бўлган.

Бу хусусда академик Ҳ.Акбаров шундай дейди:

— Устоз Ҳабиб Абдуллаев кўтарган мавзулар, қилган ишлар Париж, Лондон каби жаҳонга таниқли фанлар академияларида чуқур ўрганилган, тан олинган ва қўллаб-қувватланган. Фанимиз ва маданиятимизнинг йирик арбоби Мехико, Ҳиндистон, Копенгагенда ўтказилган илмий конгрессларнинг ташкилотчиларидан ҳам эди.

Ҳа, республикамизда илмий ходимларнинг кўпайишига улкан ҳисса қўшган юртдош алломамиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Президентимиз Фармонига кўра, мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларидан бир гуруҳини «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани, улар орасида бетакрор истеъдодли олим, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳам борлиги — мамлакатимиз, миллатимиз фидойиларига билдирилган жуда катта иззат-икром ҳамда қадрлаш рамзидир.

■ **Ўз мухбиримиз**

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2002 йил 23 сентябрь соат 18.00 да жамиятнинг мажлислар хонасида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 16.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Тақсимланмаган фойдани тақсимлаш;
2. Тақсимланган фойдани (дивидендларни) низом жамғармани оширишга йўналтириш;
3. Жамият Низом жамғармасини ошириш ҳақида;
4. Қўшимча акциялар ва уларни тақсимлаш;
5. Жамият Низомига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
6. Жамият бошқаруви раисини тасдиқлаш тўғрисида.

Умумий мажлисга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йил 13 сентябрь ҳолатига кўра тузилади.

Телефон: мажлис тартиби бўйича: 79-73-22

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ



ТОМОНЛАР КЕЛИШИШМОҚДА

Украина ҳукумати Россиядан келаётган импорт товарларнинг баъзиларига белгиланган 20 фоизлик божхона тўловидан воз кечиши мумкин. Ушбу товарлар жумласига асосан автомобиллар киради. Фақат бунинг учун Россия ҳукумати Украинадан импорт қилинаётган қора металлдан ясалган қувурларга белгиланган махсус божхона тўловидан воз кечиши лозим. Томонлар ҳозир ушбу масала юзасидан музокара юритишмоқда.

ТЕРРОРЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНГАН

Сингапур ҳукумати берган баёнотга кўра, мамлакатда ҳукуматни ағдариш, бир қанча объектларни портлатишни режалаштирган террорчилар гуруҳи қўлга олинган. Сингапур ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, исломий гуруҳлардан иборат бўган бу террорчилар Сингапур ва Малайзия ўртасида миллий низо чиқариш ва мазкур ҳудудда ягона ислом давлатини қуриш ниятида бўлишган.

АЖДОДИ ҚИРОЛ ЭКАН

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, АҚШ Президенти Жорж Буш ва марҳума малика Диана узоқ қариндош бўлиб чиқди. Уларнинг қонини боғловчи ришталар XX асрга бориб тақалар экан. АҚШнинг «Май фэмили энд Ко» компанияси буюртмасига биноан олимлар томонидан аниқланган ушбу қариндошлик ришталаридан XX асрнинг яна бир таниқли сиёсатчиси — Уинстон Черчилл ҳам жой олган. Текширув натижасига кўра, соҳибжамол Диана, Жорж Буш ва Буюк Британиянинг 1965 йилда вафот этган бош вазири У.Черчиллнинг наслнасаби беш юз йилча аввал Нортҳэмптоншир графлигида яшаб ўтган Генри Спенсер номли одамга бориб тақалар экан.

Буш сулоласининг Буюк Британия қироллик хонадони билан қариндошлик алоқалари борлиги азалдан маълум эди. Лекин улар XII асрда қироллик қилган Генрих Биринчининг авлоди эканига бошқаларни ишонтириш учун генеология маркази томонидан тасдиқланган ҳужжатлар зарур бўлди.

НАВБАТДАГИ ҚЎПОРУВЧИЛИК

Тель-Авив шаҳрида уюштирилган теракт оқибатида 5 киши ҳалок бўлган, олтмишга яқин одам жароҳатланган. Портлаш йўловчи автобусида содир бўлган.

Ушбу теракта жавобгарликни Фаластиндаги «Хамас» ва «Ислом жиҳоди» ташкилотлари бўйниларига олишган.

Расмий Фаластин ҳукумати ушбу террорчилик ҳаракатини қоралаш баёнотини берган бўлса-да, Исроил маъмурияти айб яна Ёсир Арофатда эканини таъкидлаган. Исроилликларнинг фикрича, Ёсир Арофат қўпоровчилик ҳаракатини тугатиш учун етарли чоралар кўрмаяпти.

Маълумотларга кўра, расмий Исроилнинг ушбу қўпорувчилик ҳаракатларга жавоби ўта шафқатсиз бўлиши мумкин.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Анестезиология, реаниматология ва тез ёрдам — профессор вазифасини бажарувчи** (1-ўрин), **доцент** (1-ўрин), **ассистент** (2-ўрин).
2. **Клиник ва амбулатор терапия — ассистенти** (1-ўрин).
3. **Ультратовуш диагностикаси — ассистенти** (2-ўрин).
4. **2-Акушерлик ва гинекология — ассистенти** (2-ўрин).
5. **Врачлик меҳнат экспертиза — профессор вазифасини бажарувчи** (1-ўрин), **ассистент** (1-ўрин).
6. **Кардиология ва функционал диагностика — Герантология ва гериатрия курси ассистенти** (1-ўрин).
7. **Оториноларингология — ассистенти** (1-ўрин).
8. **Умумий амалиёт врачлари — ассистенти** (1-ўрин).
9. **Физиотерапия — ассистенти** (1-ўрин).
10. **Неврология ва рефлексотерапия — ассистенти** (1-ўрин).
11. **Микробиология — катта ўқитувчи** (1-ўрин).
12. **2-жарроҳлик — ассистенти** (1-ўрин).
13. **Фалокатлар тиббиёти курси — ассистенти** (1-ўрин).

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 68-27-52, 68-17-44.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51.

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

ЙЎҚОЛИБ... СЎНГ ТОПИЛГАН ЭКСКАВАТОР

БУНДАН 12 ЙИЛ ИЛГАРИ 42 ТА ВАГОНДА КЕЛТИРИЛГАН ЭДИ

Янгилик энг аввало оғзаки ахборотлар орқали таркайди. Тарқаганда ҳам жуда тез таркайди.

Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида бўлаётган кўп янгиликларни ҳам биринчи бўлиб матбуот орқали эмас, балки одамлардан, таниш-билишлардан эшитганман. Шу эшитганларим сабаб яқинда ушбу туманда бўлдим.

Худо хоҳласа, таассуротлар бир очерк бўладиган. Элликқалъа Қорақалпоғистоннинг ҳаёт қайнаган, катта ўзгаришлар бўлаётган туманларидан бири эканига ишонч ҳосил қилдим.

Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Неъматилло Худойбергановнинг биринчи истаги шу бўлди:

— Одимловчи экскаваторни бир кўрсангиз... эди.

Ҳайрон қолдим. Экскаваторнинг нимасини кўраман?.. Қарасам, ЎзАнинг Қорақалпоғистондаги мухбири Аминбой Ортиқбоев ҳамда ҳоким муовини Фарҳод Абдуллаев ҳам бош силкиб туришибди. Айтишларича, бу экскаваторнинг тарихи ҳам, тақдири ҳам қизиқ экан.

Жўнадик. Ҳаммаёқ чўлмисан — чўл. Туманнинг чеккаси, Қозоғистоннинг Қизил Ўрдасига чегарадош ҳудуд Бухан-Мерей хўжалигигача қанчалаб қадимий қалъаларни ортда қолдирдик. Ва, ниҳоят...

Бордик. «Қўрғошинқалъа» манглайидаги саҳрода оч кўк рангга бўялган уй десак уйга, кичикроқ завод десак заводга ўхшамайдиган бир «иншоот»-га кўзим тушди. Машинадан тушиб қум ораладик. Қаршимдаги баҳайбат нарсани кўриб ҳайрону лол қолдим.

— Қаранг, стреласи (ковуш уланган қурилма)си 70 метр, — деди ҳамроҳим.

Ҳалиги экскаватор суви силкиллаб турган каналга бемалол бир чинорни қўпорадиган «чўмичи»ни ташлаб, канални ларзага келтириб қазиш ишини бажараяпти. Ўша «чўмич» бир ташланишида 11 м³ тупроқ, лой олиб чиқаркан. Бу эса 25-30 та экскаватор чўмичидан катта ҳажмда тупроқ олаяпти, дегани. Битта «чўмичи» битта КамАЗни бемалол тўлғизади, бир тонна чиқинди — тупроқ, қум, лой олиб чиқиши мумкин. «Чўмич»нинг оғирлиги 11 тонна. Экскаватор 70 метр узоқликдан тупроқ олиб, ортига шунча масофада айланади ва «чўмич»ини бўшатади. Демак, 140 метрга тупроқни олиб тўкади. 140 метр атрофида турган жойида айланиб ишлайди. «Чўмич»и бир тушганда 35 метр чуқурликка сингиши мумкин. Экскаваторнинг оғирлиги 760 тонна (!). Унинг ишлаши учун шу ергача атайлаб электр токи тортиб келинган. 6000 вольт (!) ток билан ишлайди.

Экскаваторнинг ичига кирдик. Завод дейсиз. Ақлингиз шошади. Ундаги ҳайбатли сиғимлар, турли хил ойнаванд шкалалар, кўрсаткичлар... Хуллас, ишлаб чиқариш корхонаси гувиллаб турибди. Махсус зина орқали иккинчи қаватга — бошқарув хонасига кирдик. Бошқарувчи Исомиддин Эрматов биз умуман тушунмайдиган пультлар орқали иш бажараяпти. Очиғи, атрофни иккинчи қаватли уйнинг механизациялаштирилган балконида тургандай ҳис қилдик...

Бошқарувчи хонасида каттакон «Орск» музлатгичи ишлаб турибди... Бошқарувчи бор маҳорати билан канал қазишни давом этяпти.

Энди бу экскаватор қаердан пайдо бўлди, унинг ислоҳот мавзусига қандай дахли бор, деган саволга жавоб берайлик...

1989-1990 йиллар... Тахиатош шаҳридаги «Аралсувқурилиш» мажмуига 42 та вагонда турли хил ускуналар келтирилади. Ва, шундайлигича очиқ майдонга ташланади. Бу нарсаларга зарурат сезилмайди чоғи, эътибордан четда қолади. СССР тарқалиб, замон ўзгарди, кўп раҳбарлар ҳам. Ҳамма ташкилотлар янги давр, янги вазифалар билан яшай бошлагач, «42 та вагон юки» эсдан чиқади. Орадан ўн йилдан ошиқ вақт ўтиб, шу ускуналар яна ёдга тушади. Таниқли раҳбарлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамиятга молик ноёб ускуналар борлиги, улар йиғилса, техника асрининг мўъжизаси пайдо бўлишини англайди. Бу — ҳозир биз айтаётган экскаваторнинг ускуналари эди. Улар йиғилса, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ишларни амалга оширишга хизмат қиларди.

Бироқ уларни йиғиш осон бўлмади. Айрим қисмларини одамлар уйларига олиб кетишганди. Кимдир уйига кўприк қилиб ишлатган, кимнингдир ҳовлисида тўсин, бошқа бировникида панжара, хуллас, қисмлар ўлда-жўлда, баъзилари эса умуман, йўқолиб кетганди. Сўраб-суриштирилиб, қисмлар йиғилди, пайванд ишлари бошланди.

Ўтган йили «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятига қарашли Ангрен тоғ техникаларини таъмирлаш корхонаси мутахассислари, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 1-қурилиш дирекцияси буюртмаси асосида «Қирққизсувқурилиш» бошқармаси томонидан барча бутловчи қисмлар тиклангач, сахронинг қоқ ўртасида ана шундай улкан экскаватор пайдо бўлди.

Энди Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудидаги туманлар ери мелиоратив жиҳатдан тўлиқ яхшиланади. Сабаби, 50 километр масофадаги «Бошжанубийколлектор» «паҳлавон» экскаватор билан қазилади. Бу дегани ўша коллекторда иккита насос орқали бир йилда 1 миллиард м³ зах оқова (шўр сув) оқизилади. Янада аниқроқ айтсак, Жанубий Қорақалпоғистоннинг 500 000 гектар экин майдони шўрланишдан сақланиб қолинади. Ер шўрини ювган сувлар, ер остидаги шўр зах сув ана шу канал — янги экскаваторгина қазишни уддалаган канал орқали чиқиб кетади. Гап шундаки, боя айтганимиздек, бу экскаватор «қўли» анча узун, бошқа техника қўли етмайдиган жойларга етади.

Экскаваторни тиклаш учун 600 миллион сўм сарфланди. Унинг халқимиз, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимиз учун келтирадиган фойдасини айтсак... ўх-хўў, буёғини ҳеч бир маблағ билан қиёслаб бўлмайди-да...

Экскаваторнинг, шунчалик оғир техниканинг юриши ҳам қизиқ... Унинг ерга тиралган «қорни» кўтарилади. Икки ёнбошида қанотдай чиқиб турган пўлат, ясси оёқлари тупроққа зичлашади-да, ўрдак юриш қилиб (робот десангиз ҳам бўлади) лапанглаб кетаверади. Хуллас, қисмлари Польша ва Украинада ишлаб чиқарилган шу мўъжизакор техника эндиликда Қорақалпоғистон саҳролари танобини тортиб бораверади. У юрган саҳро бағри яшилликка бурканади — экин-тикин авж олади.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ПЬЕР БЕЙЛЬ – ФРАНЦУЗ ФАЙЛАСУФИ. 1647-1706 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Инсон – ақлли мавжудот... аммо, шуниси ҳам аниқки, у деярли ҳеч қачон ўз нуқтаи назарига мувофиқ иш кўрмайди.

● Иқтибосни аниқ келтириш маҳорати – туюлишига қараганда, хийла кўпроқ ноёб истеъдод.

● Афсус, одамлар ўзлари қўшиладиган фикрни танлаётганларида, уларнинг мияларида нима юз бераётганини кўра олмаймиз.

● Асрдан асрга, авлоддан авлодга ўтадиган қараш, гўёки, бутунлай ёлғон бўлиши мумкин эмас деювчи нуқтаи назар, – ғирт пуч хаёл... Бир неча фалсафий ақл эгаларидан ташқари, ҳеч ким ҳамма гапираётган нарсанинг тўғрилигини текшириб кўришни ўйламайди ҳамку.

БЕРНАР ЛЕ БОВЬЕ ФОНТЕНЕЛЬ – ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИСИ, ИЛМ-ФАН ТАРҒИБОТЧИСИ. 1657-1757 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Киши камдан-кам ҳолларда ўзини севишга, бироқ, ўзини ҳурмат қилишга ҳамиша мажбур эта билиши мумкин.

● Гўзал аёл кўз учун — жаннат, қалб учун – дўзах, чўнтак учун эса – ғоратдир.

● Куч билан мақтаниш – ҳўкизни елкада кўтариб юриш – унинг ўзидай бўлмоқ демакдир.

● Маърифатли ақл барча аввалги асрларнинг ақлларидан ташкил топади.

● Муҳаббат – туйғуларимиздан энг субҳидамгисидир.

● Ҳамма одамлар адашадилар, бироқ, улкан одамлар адашганликларини тан оладилар.

ДАНИЕЛЬ ДЕФО – ИНГЛИЗ ЁЗУВЧИСИ, СИЁСИЙ АРБОБ. 1660 ЙИЛ АТРОФИДА ТУҒИЛГАН, 1731 ЙИЛДА ВАФОТ ЭТГАН:

● Очлик, ҳатто, шерларни итоатгўй қилиб қўяди.

● Жисмоний хасталик танани заифлаштирганидай, қўрқув – қалбни заифлаштирадиган дарддир.

● Ақлли бўлишнинг кечи йўқ.

● Шайтонни алдаш гуноҳ эмас.

● Инсоний доноликнинг энг юқори даражаси, бу – шароитга мослашиш ва, ташқи хавф-хатарларга қарамасдан, хотиржамликни сақлаш маҳорати.

● Агар яхшилаб ахтарилса, ҳар қайси ҳолатда тинчлантирувчи нимадир топилади.

● Йўқчилигимиз юзасидан қиладиган барча нолаларимиз боримизга шукроналикнинг камлигидан келиб чиқадилар.

● Биров учун паноҳ бўладиган нарса, бошқани нобуд қилади.

ЖОНАТАН СВИФТ – ИНГЛИЗ ҲАЖВЧИ – ЁЗУВЧИСИ. 1667-1745 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Одамни у ўралашиб юрган даврага қараб билиш мумкин бўлганидек,унинг тўғрисида оғзидан чиқаётган гапларига қараб ҳам ҳукм чиқариш мумкин.

● Дунёда чинакам даҳо пайдо бўлганида, буни, ҳеч бўлмаганда, шундан билса бўладики, барча қовоқбошлар унга қарши курашда бирлашадилар.

● Доно, ёлғиз бўлган чоғида, ҳеч ҳам ёлғиз эмас.

● Газабга тез-тез берилиш – бошқанинг айби учун ўзидан ўзи ўч олиш демакдир.

● Китоблар – ақлнинг фарзандлари.

● Жуда озчиликкина ҳозирги кун билан яшайди. Кўпчилик кейинроқ яшашга тайёргарлик кўради.

● Туҳмат, одатда, муносиб одамларга зарбалар беради, қуртлар ҳам энг яхши меваларга ҳужум қилишни афзал кўрадилар.

● Ҳажв – унга қараётган ҳар бир киши унда ўзиникидан бошқа ҳар кимнинг қиёфасини кўраётган, ўзига хос кўзгу.

● Биз бир-биримизни ёмон кўриш учун етарлича диндормиз, аммо, бир-биримизни яхши кўриш учун етарлича диндор эмасмиз.

● Дунёда, ўзгарувчанликдан бошқа, ҳеч қандай доимийлик йўқ.

● Ажойиб сўзлар! Қизиқ, сиз уларни қаердан ўғирладингиз?

АНТОНИ ШЕФТСБЕРИ – ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ. 1671-1713 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Мен ҳамма нарсани ёпиқчасига ёки, ўз устимдан кулиб, бежирим ёхуд, «турли-туман нарсалар ҳақида» шаклидаги, билвосита гапиришни қоида қилиб олдим.

●Доноларнинг айтишларича, Табиат лахтакларни шунчалик яхши боғлаганки, биттаси бошқасига ўтади ва бу сезилмайди.

● Агар одамлар ўз нуқсонлари тўғрисидаги гапларга чидасалар, бу – уларнинг тузалаётганликларининг энг яхши белгисидир.

● Инсоний соғлом фикрликни ва дунёда ақллиликни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли — ўткир ақлга эркинлик бериш. Аммо, қаерда ҳажв учун эркинлик тортиб олинган бўлса, ўша ерда ўткир ақл ҳеч қачон эркин бўла олмайди.

● Агар одамларга баъзи нарсалар тўғрисида жиддий гапириш тақиқлаб қўйилса, улар ушбу нарсалар тўғрисида киноялар гапирадилар. Агар уларга бу нарсалар тўғрисида гапириш умуман тақиқлаб қўйилса ёки агар улар ҳақиқатда ҳам бундай гаплар учун хавф-хатарни сезиб қолсалар, унда улар икки карра ниқобланадилар, махфийлик кийимига бурканадилар ва шундай гапирадиларки, уларга зиён етказишга мойил бўлганлар учун уларни тушуниш ёки аниқ изоҳлаш қийин бўлади. Ва мана шунда ҳажв урфга киради ва ҳаддидан ошиб кетади. Тазйиқ руҳияти киноя руҳиятини туғдирди, эркинликнинг йўқлиги эса чинакам феъл-атворларнинг йўқлиги, нафис ҳажв ва ҳазилмутойиба қайфиятининг бузилганлиги учун жавобгардир.

● Тазйиқ қанчалик кўп бўлса, ҳажв шунчалик кескин. Қуллик қанчалик даҳшатли бўлса, у шунчалик муғомбирона.

● Бу дунёдаги энг қийини, – ўзинг ўзингнинг жиддий танқидчинг, ва ўзингнинг ўзинг билан мулоқотингда синалган суҳбатдошинг бўлмасдан, – яхши фикр қиладиган киши бўлишдир.

● ...Оқиллик ва раҳмдиллик бизнинг ўзимиздан бошланмоғи лозим, дейилиши мутлақо адолатлидир.

● Мавжуд нарсалардан энг ваҳшийси – урушнинг энг бўтир қалбларнинг ишқибозлиги бўлганлигини тасаввур этиш ғалати.

● Ҳаммаси ажойиб, ҳаммаси муҳаббатга лойиқ, ҳаммаси хурсанд қилади ва қувонтиради – ҳаммаси, инсон ва унинг, унчалик такомиллашмаган бўлиб туюлаётган, ҳаётий шароитларидан ташқари.

● Қаҳрамонлик ва инсонпарварлик – деярли айни бир нарса.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

* **Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.**

■ Владимир ПАНОВ олган сурат

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

ҚАБР АБДУЛАТИФНИКИ ЭМАС

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ ДАҲБЕД КЎЧАСИНИНГ ШАРҚИЙ ҚИСМИДА ЖОЙЛАШГАН, КАТТА ЙЎЛ БЎЙИДАГИ МОЗОР ЖУДА ҚАДИМИЙ ТАРИХГА ЭГА. У МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ПАДАРКУШ ЎҒЛИГА ТЕГИШЛИ, ДЕГАН ГАП-СЎЗЛАР БОР...

Мозор ёнидан ўтаётган кишилар беихтиёр дуога қўл очишади. Биров «Фотиҳа шарт эмас, бу мозор Абдулатифники, у эса падаркуш-ку», деса, бирови «Шарт, бу ерга улуғлар қўйилган», дейди. Бундай ҳолатларга кўпчилик каби биз ҳам кўп бора дуч келганмиз. Бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун Самарқанд давлат чет тиллар институти катта илмий ходими, шаҳар тарихининг билимдонларидан бири Комилхон КАТТАЕВ билан мулоқотда бўлдик.

— Мозийнинг сир-синоатларга бой зарварақларига бир назар ташлайлик. Шунда сиз айтган муаммога тўла аниқлик киритса бўлади, — дея гап бошлади тарихшунос. — Бизга маълумки, ушбу мозорнинг яқингинасида Пойқобоқ (Пойқовоқ) дарвозаси жойлашган. Самарқанд шаҳрининг табиий кўриниши, осори-атиқалари, мозорлари ва машҳур кишилари ҳақидаги асосий манбалардан ҳисобланган «Самария» (муаллифи Абутоҳирхожа) ва «Қандия» (Насафийнинг асари асосида Абдулҳаким Самарқандий ёзган) китобларда битилишича, Пойқобоқ дарвозаси яқинида бир қанча авлиёларнинг қабрлари мавжуд бўлган.

— Хўш, бу шахслар кимлар эди? Бу ҳақда китобда маълумот борми?

— «Ушбу қабристонда бир талай авлиёларнинг мозорлари бор. Хожа Муҳаммад Абулфазл Балхийнинг мозори ҳам шундадир (бу киши асар муаллифи Қози Абу Тоҳирхожанинг бобокалони бўлган). Муҳаммад Насрий Марвазий, Муҳаммад бин Саъид Бухорий ва Хожа Муҳаммад Валиднинг қабрлари ҳам ушбу пушта (тепалик) устида эканким, нишоналари билинмай қолибди. Ҳазрати Сайид Аҳмад ва унинг халифаси мавлоно Шамсуддин Ўзгандийнинг мозорлари ҳам ушбу қабристонда, Пойқобоқ дарвозасининг яқинидадир. Бу иккала буюк киши бир узунча супа устида роҳатда ётадилар. Улар турк шайхларидан эканлар. Хожа Муҳаммад Санграсон қабристонининг кунботар чек ораси Новодон ариғининг жарлигидир. Шимол томони Сиёб ариғидир, кун чиқари Афросиёб қўрғонининг ўрни ва жануб томони Самарқанд қўрғонининг ўрнидир. Шу айтилган ораликда чет бўлган майдон азизлар ва мусулмонларнинг қабр ўринларидир» дейилган асарда.

Кўриб турганимиздек, ҳозирги Даҳбед кўчасининг қабр жойлашган мавзеси олдин Пойқобоқ дарвозаси жойлашган ер бўлиб, унда кўп машҳур кишилар мангу қўним топган.

Бу ерда дафн этилган кишиларнинг энг таниқлиси Муҳаммад Санграсон (Хожа Ҳамовий) бўлиб, ул киши Самарқандга келган энг биринчи мусулмонлардан бири ҳисобланган. Юқорида айтиб ўтганимиз Даҳбед кўчасидаги мозор айнан у кишиникидир. Чунки, юқоридаги асарда келтирилган саккиз нафар таниқли шахсларнинг энг машҳури Муҳаммад Санграсон бўлганлиги учун ҳам асрлар давомида шаҳар аҳли айнан ушбу зотнинг қабрларини сақлаб келган ва зиёратгоҳга айлантирган. Ривоятларга қараганда, ул зот Ҳазрати Қусам ибн Аббосга (Шоҳизиндага) душманларга қараб отиш учун тошлар етказиб берган эканлар. Тош етказиб берувчиларнинг бошлиғи бўлганлиги учун ҳам «Санграсон» лақабини олган бўлса ажаб эмас.

— Нега унда тарих зарварақларига битилган маълумотлар ўзгариб Даҳбед кўчасидаги даҳма — супа «Абдулатиф қабри» деган нотўғри тушунча пайдо бўлган?

— Бунинг сабаби шулким, мозор устида ўтган аср бошида бошқа қабрларга тегишли қабртошлар йиғилиб қолган. Айниқса, рус истилоси даврида шаҳарнинг хушманзара, баҳаво жойларидан уй қуришиб, қабрлар топталгани маълум. Йиғилган қабртошларнинг бирида «Шайх Абдулатиф» ёзуви ҳам бўлиб, бу умуман, бегона кишига тегишли қабртошидир. Темурий подшо ва шаҳзодаларнинг номига «Мирзо» деган атама қўшилади. «Шайх» сўзи эса қўшилмаган.

— Келинг, шу муаммога аниқлик киритайлик. Унда Абдулатифнинг қабри қаерда?

— Улуғбекнинг содиқ сарбозларидан бири — Бобо Ҳусайн дарахт панасидан туриб Боғи Чинордан шаҳарга қайтаётган Абдулатифни найза отиб ўлдиради. Бу воқеа 1450 йилнинг 8 май кунида рўй берган эди. Унинг бошини танасидан жудо қилиб, ибрат учун олти ой давомида отаси қурдирган мадрасанинг пештоқига осиб қўйишади. Бундан ортиқ падаркуш ҳақидаги маълумот бирон манбада келтирилмаган.

Яна шуни ёдда тутиш лозимки, сўнгги темурийлар хилхонаси Оқсарой эканлигини ҳисобга олсак, Абдулатифнинг жасади ҳам шу ерда кўмилган дейиш мумкин. Чунки, 1926 йилда профессор Массон бошчилигидаги археологик гуруҳ Оқсарой мозорини ковлашганида бир қабрдан боши кесилган жасад қолдиқлари топилган. Абдулатифнинг қабри шу эканлиги ҳақиқатга яқиндир. Бу далилни исбот қилувчи яна бир факт шундаки, темурийзодалардан боши кесилган бошқа киши бўлмаган ва мутлақ бегона одам жасадининг Оқсаройдаги темурийлар хилхонасига қўйилиши мумкин эмас.

Хулоса шулким, Даҳбед кўчасидаги мозор — даҳма супада Самарқандга Ҳазрати Шоҳизинда билан келган энг биринчи мусулмонлардан бири ҳазрати Муҳаммад Санграсоннинг қабрлари жойлашган.

— Бу ерни қутлуғ қадамжога айлантириш мумкин эмасми?

— Албатта, мумкин. Бунинг учун шаҳар ва Сиёб тумани раҳбарлари бошчилигида маҳалла ҳамда тадбиркорлар ташаббуси, саъй-ҳаракати билан қабр теварагини тартибга келтириш лозим. Шарқона гумбазли айвонча қуриб, ёзувли лавҳа ўрнатилса савоб бўларди.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 87-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР	35	30	90	11	50011170.3	50015494.3	Сони: 20	Сони: 189
19	60	17	59	Сони: 2	50013252.2	**10 ТУР**	Сумма: 1500	Сумма: 900
47	27	4	22	Телевизор	50019092.1	37	**14 ТУР**	**20.ТУР**
43	32	65	57	Чипталар	60020560.1	Сони: 7	64	49
87	50	53	44	рақами	80017526.2	Телевизор	Сони: 21	Сони: 283
88	33	9	74	10008385.1	**8 ТУР**	Чипталар	Сумма: 1400	Сумма: 900
6	Сони: 1	Сони: 2	18	40007936.3	24	рақами	**15 ТУР**	**21 ТУР**
69	Телеви-	Сумма:	42	**6 ТУР**	Сони: 4	20009783.2	10	15
13	зор	2250000	86	68	Телевизор	30019238.3	Сони: 32	Сони: 370
21	Чипта	Чипталар	25	Сони: 4	Чипталар	50004178.3	Сумма: 1300	Сумма: 900
8	рақами	рақами	76	Телевизор	рақами	50010322.1	**16 ТУР**	**Қўшимча**
20	70010542.1	20009291.3	63	Чипталар	10006101.1	70016355.2	5	**тур**
51	**3 ТУР**	60023312.2	16	рақами	10016372.2	80023958.3	Сони: 41	Сони: 11
Сони: 1	80	**4 ТУР**	58	20017516.3	30022580.3	90007823.3	Сумма: 1200	Сумма: 900
Телевизор	83	39	52	40023206.1	90020589.3	**11 ТУР**	**17 ТУР**	**Халтадан**
Чипта	89	41	Сони: 2	90006951.2	**9 ТУР**	38	12	**чиқмаган**
рақами	34	71	Сумма:	90016833.1	29	Сони: 9	Сони: 77	**шарлар:**
70006271.3	2	55	5500000	**7 ТУР**	Сони: 4	Сумма: 2000	Сумма: 1100	**36,**
2 ТУР	78	79	Чипталар	84	Телевизор	**12 ТУР**	**18 ТУР**	**62,**
56	28	26	рақами	67	Чипталар	40	1	**70,**
81	46	31	30013429.1	Сони: 5	рақами	Сони: 13	Сони: 102	**75,**
73	48	7	80002137.1	Телевизор	20002430.1	Сумма: 1800	Сумма: 1000	**77,**
72	54	3	**5 ТУР**	Чипталар	20013841.3	**13 ТУР**	**19 ТУР**	**82**
66	85	23	14	рақами	40009279.1	45	61	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 10 октябрдаги 90-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг чипталарини расмий дўконларидан ва чипта тарқатувчиларидан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«АЛЬ-ШАРИФ ТРЕЙДИНГ»

хусусий хориж корхонаси ўзининг низом жамғармасини 300 минг АҚШ долларидан 50 минг АҚШ долларига камайтиради.

Тел: 144-00-03.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ижроия бюроси «Ўзавтойўл» концернига қарашли «Зиёвуддин» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ў.Я.Рўзиқуловга опаси **Хумор ая Рўзиқулова**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 26 сентябрь, пайшанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA